

## ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КРЕАТИВЛИК ДИНАМИКАСИ ВА МОТИВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ

*Мирзаев И. Ҳ*

*Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси .*

*Ҳасанов М.*

*Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси .*

*[mirshodhasanov02@gmail.com](mailto:mirshodhasanov02@gmail.com)*

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Креативлик – шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи сифатида намоён бўлади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади.

**Калит сўзлар:** Креативлик, ижодий когнитив, таълим ва тарбия, ёш авлод, баркамоллик, Учинчи Ренессанс.

Креативлик – шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи сифатида намоён бўлади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳнинг ўткирлигини белгилаб беради<sup>1</sup>.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қуйидаги ёритилади:

- муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик.

<sup>1</sup> Ибрагимова Г. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2017. – Б. 10.

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин<sup>2</sup>. Бу эса шахсинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис- туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлишини билдиради. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам намоён бўлади.

«Креатив»лик бу – яратиш ва ижод қилишдир. Яратиш, ижод моҳиятан ижтимоий хусусиятга эга воқеликлар бўлса-да, ижод психологияси ва назариясига оид адабиётларда у хусусий, индивидуал психологик ҳодиса сифатида қаралади. Мазкур ёндашишдан фарқли тарзда биз креатив фаолликнинг ижтимоий томонларига эътибор қаратамиз.

Интеллектуал салоҳиятнинг экстравертив, яъни ижтимоий борлиққа йўналтирилганлиги бир қатор илмий-фалсафий масалаларни кун тартибига қўяди. Улар ҳақида маълум назарий қарашларга, тасаввурларга эга бўлмай, мавзунинг моҳияти ва аҳамиятини англаш қийин. Ушбу масалалар қуйидагилардан иборат:

- ижодий когнитив воқеликнинг экстравертив воқеликка айланиши қандай мотивлар, стимул ёки установкалар орқали рўй беради?;

- мазкур жараёнда “мен” ва “биз” манфаатлари сингармонистикаси сақланиб қоладими ёки барча жараёнларни “биз” ўзига “ютадими”?;

- ташқи детерминистик омиллар креатив фаолликка ундовчи ички маънавий руҳий механизмларни ўзининг қайси қонунларига мувофиқ ҳаракатга келтиради?;

- ёшларнинг ижтимоий креатив фаоллиги фақат экстравертив хусусиятга эгами ёки унда ички маънавий руҳий, интравертив белгилар ҳам мавжудми?;

- ижтимоий креатив фаолликни ўлчаш қандай амалга оширилади, у қайси мезонларга мувофиқ баҳоланади?.

Ижодий когнитив воқеликнинг экстравертив воқеликка айланиши маълум мотивлар, стимуллар орқали рўй беради. Мазкур психологик омилларни англамаслик, билмаслик креатив фаолиятни нообъектив баҳолашни келтириб чиқаради. Уларнинг ҳар бири социология ва психологияда алоҳида маънавий руҳий ҳол сифатида тадқиқ этилади, ўрганади. Биз уларни умумий ном билан креатив фаолликни «Долзарблаштирувчи омиллар» деб атаймиз, чунки бизнингча, айнан шу жараёнда шахс фаолиятига йўналтирилган, муҳимлик ва зарурлик бахш этади, унинг бор жисмоний ва маънавий руҳий кучини сафарбар этиб, қўйилган мақсадга эришишга ундайди<sup>3</sup>.

Креативлик ва ақл (интеллект)ни ажратиб талқин қилиш Сукротдан бошлаб, Афлотун, Арасту ва кейинчалик Кант, Гегель фалсафаларида ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Ижодий жараёни Афлотун «руҳланиш» ва «илоҳий куч» атамалари

<sup>2</sup> Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

<sup>3</sup> Российская социологическая энциклопедия. Под ред. Г.В.Осипова – Москва: Норма инфра., 1998. –С. 301.

орқали асослашга интилади. Унинг фикрича, «Шоир санъати ва билими билан ижод қилмай, балки илоҳий қувватдан ижод қилади»<sup>4</sup>. «Креативлик» ва «креатив тафаккур» масаласида юнон файласуфлари сингари мусулмон олим-мутафаккирлари ҳам ўзига хос мактаб яратганлар. Шу маънода диний-фалсафий таълимотлар мутакаллимлик ва мўътазиллийлик, суннийлик, шиалик ва тасаввуф кабиларда инсоннинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Чунончи, каломнинг икки йирик йўналиши мутакаллимлик ва мўътазиллийлик ислом таълимоти қоидаларини талқин этишда ижодий ёндашувни ишга солишни, креатив усуллардан фойдаланишни<sup>5</sup> ёқлаб чиқдилар.

Ижтимоий креатив фаолликни аввало, инсоннинг жамиятда, борлиқда, мавжуд муносабатлар тизимида ўз ўрнини топиш истаги ифодаси сифатида эътироф этиш керак. Мазкур истак ижтимоий ҳаёт ва муҳит томонидан шахсда долзарблашганида уни фаол ҳаракатга келтиради. Креативлик ва уни долзарблаштириш муаммоларини ўрганган А.Г.Маслоу ёзади: «Агар биз чиндан ҳам фарзандларимизнинг ўзида мавжуд барча кучларни долзарблаштиришини истасак, биз уларни бирдан-бир мақсад, яъни ижод орқали тарбиялашимиз зарур»<sup>6</sup>. Файласуф, психолог таълим-тарбия, ёшларни ҳаётга тайёрлаш масалалари устида фикрлаб, бугун дунё тез ўзгараётганини, янги-янги муаммолар пайдо бўлаётганини, бундай шароитда ёшлар ўзини йўқотиб қўймайдиган, юзага келган қийинчиликларга тик қарайдиган ва янгиликни «фахр ва қувонч билан қарши оладиган» қилиб шакллантириш зарур, деган хулосага келади<sup>7</sup>.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда ижодий фаоллик ва креативлик динамикаси тадқиқида дунёни барқарор ва турғун қилмайдиган, ота-боболаримиз каби уни қотирмайдиган, мавҳум эртага ишонч билан боқадиган, бўлғуси ўзгаришлар ва ўзгарувчан ҳаётга кўтаринки қарайдиган, ҳаётга импровизациялашиб ва мослашиб яшайдиган кишилар бўлишимиз керак. Бу янги типдаги кишидир. Истасангиз уни Гераклит типдаги инсон дейишингиз мумкин<sup>8</sup>. Бу ўринда гап ижодий фаолликнинг ички руҳий ҳолат, ўзини кашфиётга бахш этиш, ҳатто, А.Г.Маслоу таъкидлаганидек, мотив, стимуллар ана шу психологик ҳолатга бориб тақалмоқда. Демак, салоҳиятда икки даражадаги босқич мавжуд: биринчиси – «экстаз» даражасидаги босқич, иккинчиси «импровизация ва мослашув» даражасидаги босқичдир. Инновация уларнинг иккаласини ҳам ўз ичига олади ёки улардан иборатдир. Биринчисига инсоннинг бетакрор янгилик, кашфиёт қилишга интилиши, иккинчисига эса бошқалар ихтироларини олиб кириш, ўз муҳитига жорий этиш, ўрнатиш билан боғлиқ, моҳиятан ташкилий

<sup>4</sup> Платон. Избранные диалоги. – М.: Художественная литература, 1965. С. 161.

<sup>5</sup> Шеров М.Б. Креатив тафаккур ҳақидаги фалсафий қарашлар эволюцияси. Academic Research in Educational Sciences. Vol. 1 No. 1, 2020 ISSN 2181-1385. – Б 3.

<sup>6</sup> Маслоу Г.А. Дальние пределы человеческой психики. – СПб.:Изд. гр. Евразия, 1997. – С.69.

<sup>7</sup> Маслоу Г.А. Дальние пределы человеческой психики. – СПб.:Изд. гр. Евразия, 1997. – С.70.

<sup>8</sup> Маслоу Г.А. Дальние пределы человеческой психики. СПб.:Изд. гр. Евразия, 1997. – С. 71.

техник саъй-ҳаракатлар киради. Кейингисида сир йўқ, уни оддий ақл эгалари ҳам бажариши мумкин.

Ташкилотчилик ва техник билимларга, технологик жараёнларни бошқариш тажрибасига эга ҳар бир киши уни олиб бора олади. Илк бор индустриал жамият қуришга киришган давлатлар чет эл илмий-техник кашфиётларини ўзига олиб киришда шундай йўл тутадилар, чунки уларда ҳали илмий-техник инқилобни амалга оширишга қодир интеллектуал куч ҳам, инновацион технология ҳам бўлмайдди. Инновациянинг биринчи босқичи жамиятдаги илмий-техник кучларни ҳаракатга келтириш, уларни бетакрор илмий-техник кашфиётлар қилиш босқичидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инновацион ривожланиш уларнинг икки босқичини ҳам ўз ичига олади, аммо ҳозир бизда чет эл илмий-техник кашфиётларини олиб кириш, улар орқали ижтимоий, иқтисодий ҳаётни модернизациялаш устун туради. Инновацион изланишларнинг, ижод, креатив фаоллик сифатида долзарблашуви ана шу икки босқич билан боғлиқдир.

Ижодий фаолиятнинг “экстаз” интравертив хусусияти “Мен” ва “Биз” манфаатларини ўрганишга ундайдди. Ҳақиқий ижодкор ўз “мен”ини мутлақлаштиришга мойил бўлади, у фикрига қулоқ тутадиган ёки уни эшитадиган киши билан мулоқотга киришишни маъқул кўради. Ундаги бу интравертлик ижодий изланишлар учун муҳим бўлса-да, у, айниқса, илмий-техник ижод соҳасида “Биз”, яъни ижтимоий манфаатлар билан ҳисоблашишга мажбур. Ядро қуролининг яратилиши инсоният бошига қандай офатлар келтириши мумкинлигини, бу эса илмий-техник изланишларда инсоният манфаатларини ҳисобга олмаслик натижаси эканини тасдиқлайди.

Бу ибратли мисол ҳар бир илмий-техник кашфиёт учун муҳим тамойилдир. Масалан, интернетни олайлик. Ҳа, у инсон ақлу идрокининг юксак маҳсули, ҳар бир кишининг жаҳонда бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдириш, турли билимларини ошириш имкони. Аммо у деструктив, тажовузкор қўлларга тушганида, ёвуз, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Шундай экан, инновацион тафаккурда “мен” ва “биз” масаласи беҳуда қўйилмаётганини англаймиз.

Ўзбекистонда ҳар йили ижтимоий муносабатларда фаол қатнашишга, ўз ҳаёт йўлини излашга тайёр, ярим миллиондан зиёд ёшлар мактабни битиради. 450 мингдан зиёд олий ва ўрта махсус билимли ёшлар турли соҳаларда ўзини, билими ва кўникмаларини кўрсатишга тайёр. Инновацион ўзгаришлар, илмий-техник кашфиётларни жорий этиш янги иш жойлари яратишга олиб келмайди, балки ишчи ўринларини тежайди. Мазкур зиддиятни илмий-техник янгиликлар билан ҳал этиш қийин. Инсон фаолиятининг барча соҳаларини, қўл меҳнатини

автоматлаштириб, инновацион кашфиётлар билан алмаштириб бўлмайди. Демак, жамиятда қўл меҳнатига бўлган эҳтиёж сақланиб қолади.

Инновацион тафаккур ижтимоий тараққиёт талабларидан озуқа олади, у «Ўз-ўзи учун» эмас, балки жамият ривожини учундир. “Биз”нинг илмий-техник ва янгиликларга эҳтиёжлари, А.Г.Маслоу таъкидлаганидек, “эго”дан воз кечишга олиб келади. Унинг негизида ижодий изланишларга буткул берилиш, бошқаларнинг фикрларини эътиборга олмаслик, фақат ижод дарди билан яшаш, “сиз ўз Эгонгизини кузатувчи ва ўз Эгонгизини сезувчи” каби икки субъектга ажралишингизни унутиш ётади<sup>9</sup>. Бундай ҳолда “Биз” ижодкор “Мен”ини ўзига мутлақ ютиб юбормайдими, деган савол уйғониши мумкин. Ҳа, анъанавий жамиятларда шундай хавф катта. Бу хавфни ижодкор “мен”ини, унинг индивидуал изланишларга мойиллигини эътироф этган ҳолда, креатив фаоллигига ижтимоий йўналтирилганлик бахш этиш орқали камайтириш мумкин. Ижодкорнинг “Мен”и жамиятнинг “биз”га антогонист эмас, пировард натижада, барча ихтиролар кишиликка қандай наф, фойда ва эзгуликлар бергани билан ўлчанади.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий юксалишида синчков ақл-заковат, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш салоҳиятига эга ёшлар муваффақиятлар сари етаклайди. Бу эса жамиятнинг асосий ва муҳим омилларимиздан бири бўлиб қолаверади.

Одамлардаги боқимандалик, танбаллик руҳи, меҳнат жараёнига катта таъсир ўтказиши, бунинг оқибатида, одамларнинг бир қисми илгарилаб кетиши, иккинчи қисми орқада қолиб кетиши содир бўлади. Бу ҳам ёшлар учун янги муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижасига эришиш, бошланган ишларни охирига етказиш, одамларда янгича дунёқараш шакллантириш, жамият олдида турган вазифаларнинг ўзагини ташкил қилади.

Эскича фикр юритиш, эскича тафаккур тарзида бўлган шахсларнинг мавжудлиги ислохотларнинг бошланиш даврида унчалик сезилмаган бўлса, ислохотлар қанчалик чуқурлашиб борган сари, жамиятдаги ижтимоий қарашлар янгиликлар томонга силжиган сари, одамларни бошқариш учун янгича дунёқараш зарурати сезила бошланди. Бундан ўзгаришга тезда мослаша олиш нафақат жамият, социум, шунингдек, шахслар ҳам ютади.

Ташқи детерминистик омиллар креатив фаолликка ундовчи маънавий руҳий механизмларни маълум қонунларга мувофиқ ҳаракатга келтиради. Нима учун шахс айнан илмий-техник ижод, инновацион изланишлар билан шуғулланади? Инсоннинг маънавий руҳий оламидаги қандай механизмлар борки, улар уни беором изланишга, ҳатто тақиқларга зид тарзда илмий-техник янгиликлар

<sup>9</sup> Маслоу Г.А. Дальние пределы человеческой психики. Спб.:Изд. гр. Евразия, 1997 – С.77.

яратишга ундайди? Ижодкор тўғри ёки хато йўлдан бораётганини қандай билади, буни аниқлаш мумкинми? Тан олишимиз керакки, бу саволларга жавоб бериш қийин. Ижод фалсафаси ва психологиясини ўрганган мутахассислар ҳам бу саволларга жавоб тополмаган.

Ижодкорлик, инновацион фаолиятга қодир ёшларни тайёрлаш – янги педагогик технологияни, тарбия моделини тақозо этадики, бу масалани ҳал этмай туриб, илмий-техник кадрлар етиштириш инқирозларни янада чуқурлаштиришга сабаб бўлар эди. Бу борада Ғарб ибратли изланишлар ўтказди, глобал инқирозларни ўрганувчи илмий марказлар ва техник экспертизалар ўтказувчи муассасалар ташкил этди. 1945-2000 йилларда Европа давлатларида 400 га яқин глобал тарзда фикрловчи, олий маълумотли илмий-техник кадрлар тайёрлайдиган университет ва академиялар очилди. Илмий-техник кашфиётларни инсонийлаштириш, яъни инсоннинг туб мақсадларига мувофиқ келадиган кашфиётларни қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилди<sup>10</sup>.

Ҳаётда ахлоқ манфаатга эмас, балки манфаат ахлоққа бўйсунishi лозим. Агар манфаат ахлоқдан устун деб қаралса, кишилар барчага аён бўлган оддий ҳақиқатни ҳам инкор этиш йўлига ўтиб оладилар. Одамзод орасида шундайлар бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Тарбиявий ишларнинг долзарблиги ҳам шундай сабаблар билан белгиланади. Илмий-техник тафаккур, кашфиётлар маълум манфаатлар нуқтаи назаридан амалга оширилиши кузатилади. Йирик меценатлар муайян илмий-техник ихтироларни қўллаб-қувватлаганларида ўзининг моддий имкониятларини кенгайтиришни кўзлайдилар. Бу интеллектуал дунёда кенг тарқалган анъанадир. Демак, инновацион кашфиётларнинг умуммаънавий-ахлоқий омилларга, талабларга зид келиш хавфи мавжуд. Меценатлар манфаатларининг умуммаънавий омиллар, талаблардан устун келиши жамиятдаги барқарорликка, иттифоқ ва адолат тамойилларига бир кунмас бир куни зид келади, бу ижтимоий ҳаётда безовталиқ уйғотмай қолмайди. Айнан шунинг учун ҳам тарбиявий ишларга урғу беради.

Шу билан бирга, тарбиявий ишлар илмий-техник изланишларни маънавий-ахлоқий талаблар билан уйғунлаштиришнинг ягона самарали воситаси бўлаолмаслигини айтишимиз керак. Тарбиявий ишлар бошқа ижтимоий сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий механизмлар билан мустаҳкамланиши зарур.

Ижтимоий-маданий ҳаётда давлат ва жамият ишларини бошқариш, стратегик мақсадлар билан уйғунлаштириш каби фаолиятлар кечадиган социодинамик макондир. Бу макондаги объектлар ижтимоий институтлар, жамият тараққиётининг механизмлари ранг-баранг бўлиши билан ижтимоий-сиёсий борлиқни жонли, ҳаракатини намойиш қилади. Серҳаракатчанлик, мобиллик бугунги ижтимоий сиёсий борлиқнинг, жамиятларнинг туб белгисидир.

<sup>10</sup> Зигуненко С.Н. Великие открытия – Москва: АСТ: Астрель: Транзиткнига, 2005. – С. 45.

Бу талаб маънавий-ахлоқий омилларга ҳам, инновацион изланишларга ҳам динамизм бахш этади, уларни давр талабларидан, аҳоли эҳтиёжларидан орқада қолмасликка ундайди.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда ижодий фаоллик ва креативлик динамикаси ўз мутахассислигини чуқур билишдан ташқари, бошқариш санъатини яхши эгаллаши билан ҳам ифодаланади. Бу борада у ўз касбини билиши, замонни англаши ва ижтимоий фаол бўлиши билан «бошқаларга ўрناق бўлиши шарт». Ёшларнинг чинакам етакчилиги («лидерлиги») мана шунда билинади. Бу сифатни назарда тутиб бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий «Миллат ва халқ сиздан хизмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва ғурур эмас!»<sup>11</sup> деган эди. Агар биз маънавий-ахлоқий омиллар билан инновацион ривожланишдан уйғун фойдаланмоқчи бўлсак, давр талаб ва эҳтиёжлари динамикасини ўрганиб, кузатиб боришимиз даркор.

Юқоридаги талаб ва эҳтиёжлар тор, шахсий субъектив воқелик поғонасида қолиши мумкин эмас, бу ўринда шахс эркинлигига маълум тўсиқлар бўлса-да, бундай тўсиқларнинг бўлишини ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунлари талаб этади. Шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини нигилистик поғонада мутлақлаштирмаслиги, ҳуқуқий омиллар унга кенг имкониятлар берса-да, ахлоқий омилларнинг даъватларига қулоқ тутиши, ўз истак ва хатти-ҳаракатларини объектив қонуниятини билан бошқариши зарур бўлади. Акс ҳолда шахс билан жамият, жамият билан шахс ўртасида зиддиятлар, низолар келиб чиқаверади. Конфуций назарда тутган «олтин оралик», яъни мураса тамойили бутун билан қисм ўртасидаги муносабатларни ҳал қилишда зарур бўлаверади. Бутуннинг умумманфаатларни ифода этувчи субъект эканлиги шахс, қисм томонидан эътироф қилиниши муаммонинг бир томони, холос. Бутун ва қисмлар ўз манфаатлари, эҳтиёжларини объектив қонунларга мувофиқ эканлигини қандай билади, уларнинг алданиб қолмаслиги учун нималар қилиш даркор? Советлар даврида нафақат оддий кишилар, қисмлар, шунингдек, бутун халқ, миллат алданиб юрган эмасмиди? Шундай ғайримиллий ҳодисанинг қайта такрорланмаслигига ким кафолат бера олади?... Инновацияда Ғарб илмий-техник кашфиётларидан фойдаланишга даъват кучли. Бугун дунёда амалга оширилаётган кашфиётларнинг деярли ярми АҚШ га, 30-35 фоизи эса Европа давлатларига тўғри келишини эсласак, ғарбона кадриятларнинг миллий маданиятларга таъсири қанчалик кенг эканини англаб етамиз. Ҳа, П.Л.Бергер ибораси билан айтганда, бугун инсоният «глобал маданият» ёки «маданиятнинг глобаллашуви», «маданий силкиниш» шароитида яшамоқда. Бу маданиятни у «америкача» деб атайди<sup>12</sup>. Инновация ва модернизация ушбу маданиятнинг миллий маънавий-ахлоқий

<sup>11</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 207.

<sup>12</sup> Многоликая глобализация. Культурное разнообразие в современном мире. Под ред. П.Л.Бергера и С.П.Хантингтона – Москва: Аспект Пресс, 2004 – С.11.

омиллар қаъридан янада чуқур жой олишига олиб келади. П.Л.Бергер ва С.П.Хантингтонлар турли қитъалар ва давлатларда ўтказган махсус тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, «глобал маданият» миллий маданиятлар билан синтезлашиб яшаши мумкин<sup>13</sup>. Биз миллий маънавий меросни асрашга, шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ниятида ижтимоий борлиғимизни инновация ва замонавийлаштириш томон боришга интилаётган эканмиз, рўй бераётган глобал ўзгаришларга ўз ёндашувимизни белгилаб олишимиз зарур. Ҳозирча бу ёндашув «глобал маданият» билан миллий маданиятимизни синтезлаштиришга қаратилган. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, кадрлар тайёрлаш тизими, сервис тармоқларини модернизациялаштирган ҳолда маънавий-ахлоқий ҳаётимизни миллий анъаналаримиз, халқимиз менталитети ва турмуш тарзидан жой олган омилларга амал қилиб яшаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Агар мазкур концептуал ёндашувдан келиб чиқсак, биринчи навбатда, Шарқ ва Ғарб ўртасида тафовутларни излашга ҳисиланамиз, унинг ўрнига икки қитъа маданиятлари ва турмуш тарзларидаги муштарак томонларни топишимиз, уларни янада чуқурлаштириш механизмларини излашимиз даркор.

Бу эса биздан Шарқ ва Ғарб маънавий-ахлоқий қадриятларидаги умуминсоний жиҳатларни излашни талаб этади. Ана шундагина инновация ва модернизация бир муддатли, паллиатив ҳодисадан стратегик мақсадга хизмат қилувчи, ижтимоий борлиғимиздан жой олган қадриятларга айланади. Бугун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсий институтлари, аввало, Президенти ва бошқа олий бошқарув органлари, ҳукумати инновация ва модернизация ташаббускорлари, тарафдорлари бўлиб чиқмоқда. Бу республикамиз учун ҳал қилувчи, жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашга етакловчи воқеяликдир.

Интеллектуал салоҳият ва модернизация субъектлар, маҳаллий ҳокимият институтлари, меҳнат жамоалари, тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари, ассоциациялар, нодавлат ташкилотларидан илмий-техник фаолликни талаб этади. Махсус кадрлар тайёрлаш ва ижодкорларнинг инновацион изланишларини қўллаб-қувватлаш ҳам шулар жумласидан. Ушбу субъектларнинг фаол изланишларсиз, янгилик излашни ўзининг ҳаёт тарзига айланттиришсиз инновация ҳақиқий ижодкорлик, ташаббускорлик, юксак технологик жараёнларни ижтимоий иқтисодий жараёнларга татбиқ, жорий этиб бўлмайди. Бу ўринда янгилик излаш инновацияфобия, яъни фақат инновациялар излашни фаолият мақсадига айланттиришдек одат юзага келиши мумкин.

Инновация бўйича етук мутахассис Александр Беляевнинг «Профессор Доуэлнинг боши» асаридаги жамиятдан айри, ташқи дунёдан мутлақ узилган

<sup>13</sup>Многоликая глобализация. Культурное разнообразие в современном мире. Под ред. П.Л.Бергера и С.П.Хантингтона – Москва: Аспект Пресс, 2004 – С.17.



тарзда яшайдиган, илмий кашфиёт қиладиган бош қаҳрамоннинг интилишини эсга солади. Ҳатто, ихтирочи, ижодкор ўз олдига жамиятга, ижтимоий тараққиётга хизмат қилишдек олийжаноб мақсадни қўйган бўлса-да, унинг социумда амал қиладиган социал нормалардан, маънавий-ахлоқий омиллардан узоққа кетиши мумкин эмас. У, аввало, ушбу норма ва омиллар шаклланган ижтимоий муҳитда туғилган, ўсган ва шаклланган. Унинг ушбу ижтимоий муҳитдан нигилистча воз кечиши, ҳатто буюк илмий кашфиётлар учун бўлса-да, аввало, унинг ўзи учун хавфлидир.

Бу ўринда Ф.Ницшенинг қисматини мисол қилиб келтириш мумкин. Фалсафа фанлари доктори В.Алимасовнинг келтиришича, Ницшени “Ғарб образидаги демони ўрмонлар чеккасига, қоялар устига, денгиз соҳилларига бетўхтов етаклайверади. Уфуриб турган фикрларига хасталиги жилов солганида тушкунликка тушади, шу дамларда у нафақат ўзини, касаллигини, шу билан бирга, атрофидаги одамларни, уларнинг соғ-саломатлигини, ҳатто, бутун инсониятни ёмон кўриб кетади. Хасталик азобидан, иродасининг демони олдидаги ожизлигидан халос бўлиш учун у икки бор жонига қасд қилади, бахтли тасодиф туфайли фожиа рўй бермайди”.

Файласуф Ғарб асрлар давомида яратган маънавий, илмий, диний, ахлоқий ва маданий меросга қарши чиқади, улар ўрнига янги дин, янги ахлоқ, янги тил, янги маданият яратмоқчи бўлади, аммо бу ниятларини амалга ошираолмайди, радикал нигилизми уни телбахонага етаклайди.

## REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган нутқи. //Халқ сўзи №186 сон.2020.
2. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.2020 йил 29 декабрь <https://www.youtube.com>
4. Ж. С. Рамагов (2022). ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИДА. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 12-17.
5. Рамагов, Ж. (1991). Гипотеза и прогноз в социальном познании (философско-методологический анализ). *Ташкент: Ўзбекистон*.
6. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.
7. Rashid Usarovich Baratov, & Nilufar Jo, Rayevna Nazarova (2022). YOSHLAR HAYOTIY STRATEGIYASINI SHAKLLANTIRISHDA TA'LIMNING

- O'RNI. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 830-833.
8. Жуманиёз Султанович Раматов (2021). БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 225-229. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00187
  9. М.Н.Ҳасанов, Б.Ж.Бекмуратов, Б.Ш.Турғунов, & У.С.Маматкулов. (2022). ФОРОБИЙНИНГ ТАЪЛИМОТИДА ЁШЛАР ВА ИНСОН ТАЛИМ-ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 124–129. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/625>
  10. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.